


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи	4
1.2.1. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	5
1.2.3. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2. 70411902-Тошқи иқтисодий фаолият (тошқи савдо фаолияти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи	10

1. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, давлат бошқаруви органлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, савдо уйлари ва ваколатхоналари ҳамда халқаро иқтисодий ташкилотларда халқаро ҳамкорлик йўналишида фаолият кўрсатиш, халқаро ҳамкорлик билан шуғулланувчи давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда халқаро бозорлардаги талаб ва таклифни таҳлил қилиш, ушбу йўналишдаги зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг янги йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, хорижлик мижозлар базасини шакллантириш ва кенгайтириш, хорижлик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, божхона ва логистик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ташқи иқтисодий фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга

ошириш, ташқи савдо шартномаларини тайёрлаш, ташқи савдо операциялари ва халқаро бизнес лойиҳаларини иқтисодий таҳлил қилиш, корхона ёки ташкилотнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва инвестицион ҳамкорлиги билан боғлиқ барча операцияларда иштирок этишни камраб олади.

1.2.2. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлари;
- тизимли таҳлил ва оптимал қарор қабул қилиш жараёнлари;
- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлар тизими;
- мамлакат, ташкилот ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари жараёнлари;
- тармоқлар ва турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг иқтисодий, молиявий, маркетинг, таҳлилий хизматлари ва халқаро бизнес фаолияти жараёнлари;
- халқаро ва миллий миқёсдаги товар, хом-ашё, валюта, молия ва инвестиция бозорлари фаолияти;
- халқаро ва ташқи иқтисодий фаолиятни таъминловчи ҳамда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш жараёнлари
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, коопорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида иш юритишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- шарқшунослик соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари.

1.2.3. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- лоийҳавий-иқтисодий фаолият;
- ишлаб чиқариш ва амалий фаолият;
- таҳлилий фаолият;
- маъмурий-ташқилий бошқарув фаолияти;
- эксперт-маслаҳатчи фаолияти;
- консалтинг хизмати фаолияти.

1.2.4. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг замонавий тенденциялари ва халқаро иқтисодий муносабатларни иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда унинг асосида илмий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- статистик маълумотлар базасини тўплаш, услубий қўлланма ва кўрсатмалар
- тайёрлаш, иқтисодий атамалар луғатини тузиш, тадқиқот мавзулари бўйича анкета сўровномаларини ўтказиш ва уларнинг натижаларини умумлаштириш;

- интернет тармоғида иктисодий ҳамкорик соҳасидаги сўнгги илмий янгиликлар, ходиса ва воқеликлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш;
- маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот режасини ишлаб чиқиш;
- танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳамда унинг назарий ва амалий аҳамиятини асослаб бериш;
- ишлаб чиқилган режага мувофиқ мустақил ҳолда тадқиқот олиб бориш;
- олиб борилган тадқиқот натижаларини илмий жамоатчилликка илмий мақола ёки маъруза шаклида тақдим эта олиш;

Молиявий-иктисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини хавфсиз бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- ишлаб чиқаришнинг микдор ва сифат мезонлари асосида иктисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;
- соҳага оид илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- иктисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳамда ходисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва киёслаш, иктисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;
- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Лойиҳавий-иктисодий фаолиятда:

- мустақил равишда вазифалар тайёрлаш ва ноаниқлик омилини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалар ҳамда зарур услубий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ноаниқлик омилини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- турли хил бозорлардаги иктисодий агентлар фаолияти стратегияларини ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқариш ва амалий фаолиятида:

- корхоналарнинг ташки иктисодий бўлимларида мутахассис, халқаро ва минтақавий ташкилотларда референт, элчихона ва консуллик хизматлари, ташкилот ва муассасаларда таржимон, иктисодчи, ҳисобчи ва бошқа лавозимларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- амалий фаолиятда он-лайн тизимда компьютер воситасида ахборот билан ишлаш ва уни қайта тайёрлаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш;

Таҳлилий фаолиятда:

- микро ва макро даражада иктисодий сиёсат соҳасидаги чора-тадбирларни баҳолаш ва стратегик қарорларни қабул қилиш учун таҳлилий материаллар тайёрлаш;

- иқтисодий ҳисобларни амалга ошириш учун турли маълумотлар манбаини таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш;

- корхона, тармоқ, соҳа, минтақа ва мамлакат иқтисодий фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича башоратлар ишлаб чиқиш;

Маъмурий-ташқилий бошқарув фаолиятида:

- корхона ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолияти сифатини бошқариш
- жараёнларини билиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва молиявий ресурсларни режалаштириш;

- маъмурий-ташқилий ва бошқарув ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар турлича бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қила олиш;

- бирламчи ташқилий тузилмалар (булимлар, бошқармалар) ишини ташкил қилиш

ва уни бошқариш;

Эксперт-маслаҳатчи фаолиятида:

- инвестиция лойиҳаларини тузиш ва улар самарадорлигини оширишга

- қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш;

- ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида ижтимоий ва иқтисодий

- концепциялар, мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш

борасида таклифлар бериш;

- турли компания ва ташкилотларнинг халқаро бизнес билан боғлиқ стратегия ишлаб чиқишга маслаҳат бериш;

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг ташқи савдо фаолияти соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

- ташқи иқтисодий фаолият бўйича магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида иштирок этиш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

2. 70411902-Ташқи иқтисодий фаолият (ташқи савдо фаолияти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва

таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тадқиқотлар методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини била олиш;

- ташқи иқтисодий фаолият жараёнларининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш учун зарур материалларни излаб топиш, тасниф қилиш ва тизимли асосда таҳлил қилиш учун тегишли усулларни;

- корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини самарадорлигини, миллий маҳсулотларнинг бож ҳимоясини таҳлил қилиш;

- ташқи иқтисодий фаолият операцияларини расмийлаштириш усулларини; етказиб беришнинг базис шартларига мувофиқ маҳсулотлар нархини аниқлаш;

- хорижий бозорлар ҳолатини таҳлил қилиш ва унда корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йуналиши, касбий фаолият объекти, профиль, жаҳон иқтисодиёти, ташки иқтисодий фаолият, ташки савдо, миллий иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, иқтисодий атамалар, иқтисодий категориялар, иқтисодий ривожланиш моделлари, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, хорижий инвестициялар, халқаро ҳамкорлик, хорижий инвестициялар, жаҳон хўжалиги, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, минтақавий интеграция, минтақавий меҳнат бозори, халқаро бизнес, инвестицион рисклар, тадбиркорлик, моддий ва молиявий ресурслар, халқаро маркетинг, рақамли маркетинг, халқаро келишувлар, экспорт ва импорт операциялари, халқаро менежмент, инновацион менежмент, тизимий ёндашув, иқтисодий дипломатия, дипломатик музокаралар, иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий сиёсат, халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро меҳнат бозори, халқаро меҳнат миграцияси, халқаро меҳнат мигрантлари, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, халқаро конвенциялар, фан-техника, жаҳон бозори, халқаро капитал бозори, халқаро товарлар бозорлари, жаҳон хом ашё бозори, нархлар конъюнктураси, ташки савдо сиёсати.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИКИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор _____ Г.Ш.Рихсиева

2021 йил «18» 08

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б. _____ М.Эсанов

2021 йил «18» 08

Ўзбекистон Республикаси Ташки
иктисодий фаолият Миллий Банки

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи
ўринбосари
У.А.Фаттохов



2021 йил «18» 08

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети



Ректор в.б. _____ С.Сафоев

2021 йил «18» 08

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор _____ К.Шарипов

2021 йил «18» 08